

2014-3

Дастлабки тергов ҳаракатлари тўлиқ ўтказилмаган иш бўйича чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун қайтарилди.

Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди кассация инстанциясининг 2013 йил 30 январдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, жиноят ишлари бўйича Янгиариқ туман судининг 2012 йил 16 ноябрдаги ҳукмига кўра, М. Жиноят кодексининг 197-моддаси билан бир йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланиб, ундан давлат фойдасига 58.910.320 сўм ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, М. "М-2" фермер хўжалиги раҳбари лавозимида ишлаб келиб, фермер хўжалигининг 347-контурдаги 65 балл бонитетли 1,6 га ер майдонининг 0,9-1,0 метр чуқурликдаги унумдор устки қатламини ўзбошимчалик билан олдириб, қасддан ердан фойдаланиш шартларини бузиб, давлат манфаатларига 58.910.320 сўмлик жуда кўп миқдорда зарар етказиб, оғир оқибатларга сабабчи бўлганликда айбдор деб топилган.

Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасига мувофиқ, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилиши лозим. Жиноят-процессуал кодексининг 82-моддаси талабига кўра, ишни айблов хулосаси билан судга юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори исботланган бўлиши керак.

Бироқ, иш бўйича қайд этилган қонун талабларига риоя қилинмаган.

Иш ҳужжатларига қараганда, туман ҳокимининг 2011 йил 12 январдаги қарорига мувофиқ, М. 1995 йилдан буён раҳбар бўлиб ишлаб келаётган "М-2" фермер хўжалиги ихтиёрига қўшимча равишда 347-контурдан 2,0 га ер майдони ажратиб берилган.

Ажратиб берилган ер майдони сув йўлидан баланд бўлганлиги ва суғориш имкони йўқлиги сабабли, М. 2011 йил 30 ноябрда ернинг унумдор тупроғини сақлаган ҳолда 0,5 метр чуқурликдаги тупроқни олишга рухсат сўраб, туман ҳокимига хат билан мурожаат қилган.

Туман ҳокимининг 2012 йил 5 январдаги хулосаси билан фермер хўжалигига ажратилган ер майдони тупроғини устки ҳосилдор қисмини четга олиб, рекультивация қилишга рухсат берилгач, М. 1,6 га ер майдонига ишлов бериб чигит эккан.

Дастлабки тергов органи томонидан 2012 йил 16 май куни 347-контурдаги тупроқнинг унумдорлигини аниқлаш мақсадида суд-тупроқшунослик экспертизаси тайинланган бир вазиятда, экспертиза хулосаси олинмаган бўлса-да, етказилган зарар миқдорини ҳисоблашда:

Республика Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2012 йил 20 июндаги 02-05-1269-сонли "М-2" фермер хўжалиги ер майдони 347-контуридаги тупроқнинг сифат баҳоси 2005 йилдаги тадқиқот натижаларига нисбатан ўн бир баллга пасайгани ҳақидаги;

Хоразм вилояти Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг 2012 йил 25 июндаги 710-сонли, етказилган зарар Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 146-сонли қарори асосида ҳисоблаб чиқилгани, фермер хўжалиги раҳбари 1,6 га ердан тупрокнинг унумдор қатламини 0,9-1,0 метр чуқурликда кавлаб, 65 балл бонитетли экин еридан белгиланигандан бошқа мақсадда фойдаланиб, фермер хўжалигининг охириги уч йиллик соф даромади ҳисобланмаган ҳолда давлатга 55.926.000 сўм зарар етказганлиги ҳақидаги:

Урганч тумани статистика бўлимининг 2012 йил 28 июлдаги "М-2" фермер хўжалиги 2009 йилда 60989,4 минг сўм, 2010 йилда 59778,3 минг сўм даромад олгани, 2011 йиллик ҳисоботни эса тақдим қилмаганлиги ҳақидаги хатлари инобатга олиниб, туман ҳокимининг қарори билан фермер хўжалигига қўшимча равишда ажратиб берилган 347-контурдаги ер майдони 2009-2010 йилларда бошқа фермер хўжалиги ихтиёрида бўлганлиги ҳолати эътибордан четда қолдирилиб, зарар миқдори 55.926.000 сўм экани кўрсатилиб, барвақт хулосага келинган.

Дастлабки тергов органи, Вазирлар Маҳкамасининг "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ер участкалари бериш тартибини янада такомиллаштириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг давлат томонидан республика аҳоли

пунктларининг архитектура қиёфасини яхшилаш, Ер кодекси ва Шаҳарсозлик кодексига мувофиқ уларнинг ерларидан қурилиш учун фойдаланиш юзасидан кўрган зарарлари ва ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартибига оид қарор ҳисобланиб, ушбу тартибни М. томонидан содир этилган хатти-ҳаракатга нисбатан татбиқ этиб бўлмаслигига эътибор қаратмаган.

Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 19 апрелда 1563-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раисининг 2006 йил 16 февралдаги 19-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасидаги қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларининг қишлоқ хўжалик ерлари меъёрий баҳосини аниқлашнинг муваққат Йўриқнома"сига илованинг 69-бандида, агар фойдаланилаётган ерларнинг майдонлари ёки чегаралари ўзгарса, ушбу ерлардан фойдаланиш бўйича қишлоқ хўжалиги майдонларининг норматив баҳоси ҳақиқий майдонлардан келиб чиқиб, қайта ҳисоб-китоб амалга оширилиши кўрсатилган.

Судда гувоҳ Ж.Машарипов, ернинг балл бонитети ҳар 5 йилда бир марта ўлчаб чиқилиши лозимлиги ҳақида;

гувоҳ Ж.Холов дастлабки терговда, "М-2" фермер хўжалигига қарашли бўлган 347-контурдаги ернинг тупроқ сифатини баҳолаш учун ер майдонининг қазилган ва қазилмаган жойидан тупроқлардан намуна олиниб, тупроқ унумдорлиги аниқланганлиги, олинган тупроқ намуналарининг балл бонитети бир хил, яъни 54 балл билан баҳоланганлиги ҳақида кўрсатма беришган.

"М-2" фермер хўжалиги тасарруфидаги ер участкалари ҳажмлари мақбуллаштирилганидан сўнг хўжалик ихтиёрига қўшимча

ажратилган ер майдони тупроғининг баҳоси қайта ҳисоб-китоб қилинган-қилинмагани тергов органи томонидан аниқланмаган бўлсада, суд ушбу камчиликларни атрофлича текширмасдан, 347-контурдаги тупроқ унумдорлиги бонитетининг 11 балга пасайишига М. сабабчи бўлган, деб барвақт тўхтамга келган.

Бундан ташқари, дастлабки тергов органи томонидан экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарор Жиноят-процессуал кодексининг 179-моддаси талаби асосида М.га таништирилмаган ва оқибатда унинг қонуний ҳуқуқлари бузилган.

Дастлабки тергов органи томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар биринчи босқич ҳамда кассация инстанцияси судларининг эътиборидан четда қолган.

Жиноят-процессуал кодексининг 419-моддаси 1-қисми 1-бандида дастлабки тергов тўлиқ ўтказилмаган бўлиб, уни суд мажлисида тўлдириш мумкин бўлмаса, 3-бандида айбланувчи зиммасига илгари қўйилган айблов билан боғлиқ бошқа айбловни қўйиш учун ёхуд айбловни оғирроқ айблов билан ёки ҳақиқий аҳволга кўра, айблов хулосасида назарда тутилганидан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш учун асослар мавжуд бўлса, суд жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтариши лозимлиги белгиланган.

Дастлабки тергов тўлиқ ўтказилмаган бўлиб, уни суд мажлисида тўлдиришни имконияти йўқлиги ҳамда ишни ҳар томонлама тўлиқ ва холисона текшириб чиқмасдан туриб, М.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб бўлмаслиги сабабли, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 10 апрелдаги ажрими билан М.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси орқали қўшимча
тергов юритиш учун қайтарилди.

ЖСҲ 5-35-14 назорат иши